

**Янги қурилиш (Капитал реконструкция) қилиб фойдаланишга топшириш тўғрисидаги
Пудрат шартномаси**

Андижон шаҳри

№ 275

2019 йил 8-июл

«Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси номидан ҳаракатдаги Низоми асосида иш юритувчи, компания директори **М.А.КОДИРОВ** бир томондан, кейинги ўринларда «**Буюртмачи**» деб юритилувчи ва «**Рамзи икбол қурилиш**» МЧЖ номидан, ҳаракатдаги Низоми асосида иш юритувчи **А.УМУРЗАКОВ** иккинчи томондан кейинги ўринларда «**Пудратчи**» деб юритилувчи, объектни фойдаланишга топшириш тўғрисида мазкур пудрат шартномасини туздилар.

I. Атамалар

1.1. Мазкур шартномада қуйидаги атамалар қўлланилади:

- «**аскро хужжатлари**»: - натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун масъул бўлган шахслар томонидан уларга юритилган ўзгаришларнинг ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар, ишларни бажаришда қўлланилган материаллар, конструкция ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа хужжатлар, беркитилинадиган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисида далолатномалар, айрим масъулиятли конструкциялар, оралик даврда қабул қилиниши тўғрисидаги далолатномалар, монтаж қилинган асбоб - ускуналарнинг яқка тартибдаги синови тўғрисидаги далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари ҳамда қурилиш нормалари ва қондаларида назарда тутилган бошқа хужжатлар;
- «**лойиха-смета хужжатлари**» (ЛСХ): объект қурилиши учун лойихалаш институти томонидан тайёрланган ишлар ҳажми, мазмуни ва уларга қуйиладиган талабларни ўз ичига оладиган хужжатлар тўлими;
- «**қурилиш майдони**»: - шартнома (контракт) доирасида, барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг қурилиш майдони чегарасини ажратиб қўйиладиган ёки бош режага мувофиқ белгиланган бошқа белгилар билан белгилаб қўйилади.
- «**вақтинчалик ишлар**»: - Пудратчи томонидан қурилиш майдонида ўрнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур бўлган ҳар тилдаги вақтинчалик бинолар ва ишоотлар;
- «**беркитилган ишлар**»: - ишнинг сифати ва аъёнланганлигини кейинги ишлар бажарилгандан сўнг аниқлаш мумкин бўлмаган, кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитилинадиган ишлар;
- «**ажрий молиялаштириш**»: - шартномада белгиланган ишлар қийматини, ҳақиқатда бажарилган ишлар ҳажмидан келиб чиққан ҳолда босқичма - босқич молиялаштириб бориш;
- «**маблағ билан таъминловчи орган**»: - Пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун буюртмачини маблағ билан таъминловчи орган, Молия вазирлиги, вилоят, шаҳар молия бошқармаси.

II. Шартнома мазмуни.

2.1. Пудратчи мазкур шартнома шартларига мувофиқ, **Мархамат тумани Ковунчи МФЙдаги 25-сонли мактаб** биносини реконструкция ишлари объектини фойдаланишга топшириш тўғрисида, қурилиши ишларини бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса қурилиш ишларини бажарилиши учун ушбу шартнома шартларига мувофиқ, зарур шароитлар яратиш, ишларни қабул қилиш ва маблағ билан таъминловчи орган томонидан маблағ ажратилганидан сўнг белгиланган тартибда тўловларни амалга ошириш мажбуриятини олади.

III. Шартнома бўйича ишлар қиймати.

3.1. Мазкур шартнома бўйича, Эркин танлов комиссиясининг 2019 йил 6-майдаги № 186/1,2 сонли баёни билан белгиланган Пудратчи томонидан бажариладиган ишлар қиймати **Кушимча Қиймат Солиги билан 5 230 000 000 (Беш миллиард икки юз ўттиз миллион)** сумми, шундан 2019 йилга тасдиқланган манзилли дастурда белгиланган лимит доирасида бажариладиган ишлар ҳажми **947 360 000 (Туккиз юз кирк етти миллион уч юз олтинчи минг)** сўмини ташкил этади.

3.2. Ишлар қиймати ўзгармас ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас. Қуйидаги ҳолларда нархларни аниқлаштириш конун хужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилиши мумкин:

- енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолати сабаб бўлганда;
 - ишлар ҳажми Буюртмачининг ёзма кўрсатмасига асосан ўзгартирилганда;
- Пудратчи ташкилот солиқ тўловчи сифатида бошқа солиқ турига ўткандан тендер савдоси натижасида аниқланган нархга ўзгартириш киритилади

3.3. Қурилиш муддати бир йилдан ортиқ булганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш конун хужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

3.4. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар, Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

IV. Пудратчининг мажбуриятлари

4.1. Шартноманинг 2-бўлимида назарда тутилган ишларни бажариши учун Пудратчи қуйидаги мажбуриятларни ўз зиммасига олади:

- барча ишларни объектни лойиха-смета хужжатларига мувофиқ, шартномада назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда, ўзининг кучлари ва ёки жалб қилинган кучлар билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига шартномада кўрсатилган муддатда топшириш;

- қурилиш майдонига “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қурилиш-монтаж ишларини амалга оширишда қўлланиладиган материал-техник ресурсларнинг жорий нархлари Каталоги”га киритилган ва қўлланишга мослик сертификатиغا эга булган, зарур қурилиш материаллар, буюмлар, конструкциялар ва бутловчи буюмлар, қурилиш техникаларини етказиб бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, омондорга жойлаш ва сақлаш;

- қурилиш майдони ҳудудида вақтинчалик ишоотлар қуриш;

- Ёрдамчи пудратчилар билан тузилган шартномалар бўйича, шартнома мазмуни, ёрдамчи пудратчининг номи ва манзили тўғрисида Буюртмачига ёзма равишда ахборот бериш;

- Ўз.Р. ВМнинг 20.12.1999 йил кунги 532- сонли қарорига асосан, қурилиш таваккалчиликларни сугурта қилиш;

- шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномага имзо чекилгандан бошлаб, бир ой муддатда, қурилиш майдонини ўзига тегишли қурилиш машиналари асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, қурилиш материаллари, буюмлари, конструкциялар ҳамда вақтинчалик бинолардан бўшатиш;

- объектда конунда белгиланган тартибда меҳнат ва ҳавфсизлик техникасини таъминлаш;

- қурилиш майдонини, ундаги қурилиш хом ашёлари, конструкциялар, асбоб-ускуналарни қуриқланишини таъминлаш.

- Пудратчи ҳисобот ойининг 27-28-қунидан кечикмаган ҳолда Буюртмачига ҳақиқатда бажарилган ишлар ҳажми ва қиймати бўйича, белгиланган тартиб ва шаклда расмийлаштирилган, ҳисобот хужжатларини (счёт-фактура)

тақдим қилиши, бунда ҳисобот ҳужжатларига бажарилган ишлар, қўлланилган қурилиш материаллари ва конструкцияларнинг калькуляцияси, сифат сертификати ва бошқа керакли ҳужжатлар илова қилиниши;

- қурилиш-таъмирлаш ишларини бажаришга киришишдан олдин, лойиха-смета ҳужжатларини ўрганиб чиқиш, лойиха-смета ҳужжатларда аниқланган нуқсонлар ҳақида Буюртмачини, шунингдек, лойихачи ташкилотни ўз вақтида хабардор этиш;

- қурилиш-таъмирлаш ишларини бажаришга киришишдан олдин, лойиха-смета ҳужжатлари бўйича объектда бажариладиган иш қисмларининг олдинги фотосуратларини Буюртмачига тақдим қилиш;

- объектда қурилиш-таъмирлаш ишлари тугатилгач, бажарилган ишлар тасвирини кўрсатувчи фотосуратларни Буюртмачига тақдим қилиш.

- иншоотда қурилиш-таъмирлаш ишлари якунлангач белгиланган тартибда иншоотни фойдаланишга топшириш далолатномасини расмийлаштириб, Буюртмачига ҳужжатлар тўпламини тақдим этиш;

- Иншоотда бажарилган ишлар тасвирини кўрсатувчи фотосуратларни қурилиш ишлари тугаллангач Буюртмачига тақдим қилиш.

- объектни қурилишида юзага келадиган муаммолар, хал этилиши лозим бўлган масалалар ҳақида Буюртмачини дарҳол хабардор этиш;

- Қурилиш даврида Буюртмачи ва бошқа назорат қилувчи органлар томонидан берилган тегишли кўрсатмаларни инобатга олган ҳолда, улар томонидан аниқланган камчиликларни ўз вақтида, сифатли бажариш;

- Иншоотда қурилиш-таъмирлаш ишлари якунлангач тўлиқ расмийлаштирилган фойдаланишга қабул қилиш далолатномаси ва унга тегишли бўлган ҳужжатлар тўпламини Буюртмачига тақдим этиш;

4.2 Пудратчи, Буюртмачи томонидан ўтказилган маблағларни тўғри сарфланиши бўйича (талаб қилинган ҳолларда) **намунавий шаклда**наҳборотни бериб туриши;

4.3. Пудратчи қурилиш объектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатсиз, субпудратчиларга фойдаланишлари учун берилишидан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга эмас.

4.4. Пудратчи, шартнома бўйича барча ишларни ўз қучлари ёки ёрдамчи пудратчилар томонидан зарур тарTM бажарилиши ҳамда объектни белгиланган муддатда фойдаланишга топширилиши бўйича Буюртмачи олдида тўлиқ жавобгар ҳисобланади.

V. Буюртмачининг мажбуриятлари

5.1. Шартномани бажариш учун Буюртмачи:

- шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддат ичида, ишларни бажариш учун объект лойиха-смета ҳужжатларини, яроқли бўлган қурилиш майдонини қурилиш объектида ишлар тугаллангунга қадар бўлган даврга, далолатнома билан Пудратчига бериши;

- ишлар бажарилиши устидан доимий назорат қилиши, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаши;

- молиялаштириш жадвалига ва шартнома шартларига асосан маблағ ажратилганидан сўнг пудратчига (бўнак) аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириши;

- Пудратчидан объектда қўлланилаётган қурилиш материаллари, бутловчи буюмлар ва конструкцияларнинг қулланишга мослик сертификатларига эга эканлиги тугрисидаги ва ишлаб чиқарувчи ёки етказиб берувчи тугрисидаги маълумотни талаб қилиш.

VI. Ишларни бажариш муддати.

6.1. Шартнома имзоланиб, газначилик бошқармасида рўйхатдан ўтказилган вақтдан бошлаб томонлар учун кучга киради.

6.2. Ишларнинг давом этиш муддати – 175 кун. Қурилиш ишларининг давом этиш муддатига бюджетдан ажратиладиган маблағлар ҳажми ва муддатидан келиб чиққан ҳолда аниқлик киритилади

6.3 Шартномага илова қилинадиган молиялаштириш жадвали (1-илова) га мувофиқ, бўнак (аванс) тўловTM тушган кундан бошлаб, танлов савдолари натижаси бўйича аниқланган қурилишнинг давом этиш вақти ҳисоб-кит қилинади. Пудратчи шу кундан бошлаб, бажарилган ишлари учун Буюртмачи томонидан асосли равишда молиялаштириш кечиктирилган ҳолларда ҳам, ўзининг тендер ҳужжатларида кўрсатилган айланма маблағлари ёки кредит маблағлари ҳисобидан ишларни бажариши, объектни шартномада белгиланган муддатда фойдаланишга топшириши шарт ҳисобланади.

6.4. Шартнома бўйича ишларни бажариш жадвал (2-илова) га мувофиқ амалга оширилади.

VII. Тўловлар ва ҳисоб-китоблар.

7.1. Буюртмачи, Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий қийматининг 15 фоизи миқдорда ўтказиладиган бўнак (аванс) маблағлари ҳисобидан, манзилли дастурда ажратилган лимит доирасида молиялаштириладиган маблағ 784 500 000 (Етти юз саксон тўрт миллион беш юз минг) сўмни ташкил этади.

7.2. Пудратчига бўнак (аванс) бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириши учун Буюртмачига, ишларни бажариш жадвали ҳамда қурилишга бюджетдан ёки бошқа молиялаштириш манбаидан маблағларнинг ажратилганлиги асос ҳисобланади.

7.3. Жорий молиялаштириш, берилган бўнак (аванс) маблағлари бажарилган иш ҳажмига мутаносиб равишда ушлаб қолинган ҳолда, бажарилган ишлар сифати текширилгандан кейин, ишларни бажариш ва молиялаштириш жадвалларига мувофиқ, ишлар ҳажмининг 95 фоизи доирасида (топширилган иш ҳажми суммасидан олдинтуланган бўнак маблағи ва 5 %лик кафолат суммаси мутаносиб равишда олиб қолиниб) 2019 йилга тасдиқланган манзилли дастурда белгиланган лимит доирасида амалга оширилади бу 900 000 000 (Тўққиз юз миллион) сўмни ташкил қилади.

7.4. Қолган 4 330 000 000 (Тўрт миллиард уч юз уттиз миллион) сўм, жумладан бажарилган ишнинг кафолатли муддати 1 йил бўлиб, ушбу муддат тамом бўлгандан кейин – ишлар қийматининг 5 фоиз қолдиқ суммасининг тўлови, Буюртмачи томонидан талаб қилинган ҳужжатлар Пудратчи томонидан Буюртмачига тақдим этилганидан сўнг амалга ошириладиган, бу 261 500 000 (Икки юз олти миш бир миллион беш юз минг) сум бюджетдан маблағ ажратиб берилгандан сўнг амалга оширилади.

7.5. Объект фойдаланишга топширилгунга қадар мулк ҳуқуқи Пудратчида бўлиб, объектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиш ҳавфи объект топширилгунга қадар Пудратчининг зиммасида бўлади.

7.6. Шартномада кўзда тутилган барча тўловлар республика, маҳаллий бюджет ёки объект учун назарда тутилган бошқа манбалардан маблағ ажратилгандан сўнг амалга оширилади. Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра молиялаштириш кечикканда, Буюртмачи жавобгар бўлиб ҳисобланмайди.

7.7. Тендер нархидан ташқари, технология талаби ёки юқори ташкилотлар томонидан бериладиган ёзма топширик буйича бажарилган қурилиш монтаж ишлари қиймати учун, молиялаштирувчи орган томонидан маблағ ажратилгандан сўнг, тулов амалга оширилади.

7.8. Маблағ тўланиши буйича Буюртмачи ва Пудратчи ўртасида низо келиб чиққан тақдирда, ушбу низо ни ижобий ҳал этилишини таъминлаш учун суд жараёнига маблағ билан таъминловчи органнинг жалб қилиниши таъминланади.

VIII. Ишларни бажариш.

8.1. Буюртмачи, қурилиш майдонида ўз вақилини – Техник аудиторини тайинлайди, у Буюртмачининг номидан Пудратчи томонидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб ускуналарни, шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.

8.2. Техник аудитор барча ишларни бажарилиши буйича, шартноманинг бутун даври мобайнида тўсиксиз танишиш ҳуқуқига эгадир.

8.3. Пудратчи, техник аудиторни ишлаши учун жой билан таъминлайди. Техник аудитор Пудратчи томонидан ўтказиладиган қурилиш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал қилиш буйича йиғилишларда мунтазам равишда қатнашади.

8.4. Пудратчи, ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг VI-бўлимда кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

8.5. Пудратчи, объектда ишларни олиб бориш тартибини, давлат архитектура қурилиш назорат органлари билан келишади ва унга рўйя этилиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

8.6. Қурилиш майдонида умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси ҳисобланади.

8.7. Буюртмачи шартнома имзоланган кундан бошлаб 5 кун муддатда қурилиш майдонини белгилаш буйича ишларни бажариш ва объектнинг (привязка қилиш учун) Пудратчига геодезия нукталари, уларнинг координатлари ва баландлик белгиларини тақдим этади.

8.8. Пудратчи геодезия нукталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тўғри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баландлик белгилари ўлчамлари ва бўлиш ўқларнинг мувофиқлиги тўғри жойлашганлиги учун жавоб беради.

Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган ва геодезия ишларида хатолар аниқланса Пудратчи Буюртмачи билан келишган ҳолда тегишли тузатишларни ўз ҳисобидан киритади.

8.9. Пудратчи геодезия ишларида ўрнатиладиган координатлар ва баландликлар, геодезия белгиларнинг жойлаши схемаларини ва жадвалларни сақлайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин уларни далолатномани буйича Буюртмачига топширади.

8.10. Қурилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни (электр энергияси, газ, телефон тармоғи, сув) вақтинча улашни ва улаш нукталарида янгидан қурилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади ҳамда жавобгарлик унинг зиммасида бўлади.

8.11. Пудратчи, ўзи томонидан қурилишда қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналари ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва тизимлар сифати лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган спецификацияларга давлат стандартларига, техник шартларга мувофиқ бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа ҳужжатларга эга бўлишини қарантиллайди.

8.12. Алоҳида беркитилган конструкциялар ва беркитилган ишлар тайёр бўлишига қараб, уларни қабул қилиш бошланишидан 2 кун олдин Пудратчи, Буюртмачини ва «Давлатархитектура-қурилиш назорат» инспекциясини ёзма равишда хабардор қилади.

8.13. Қабул қилинадиган конструкциялар ва ишларнинг тайёрлиги Буюртмачи, лойиҳа ташкилоти ва Пудратчи томонидан маъсул конструкцияларни оралиқ қабул қилиш далолатномалари ҳамда уларнинг «Давлатархитектура-қурилиш назорат» инспекциясини билан келишган шартларида беркитиладиган ишлар текшируви далолатномалари билан тасдиқланади.

8.14. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб тугаллангунга қадар Пудратчи ишларни бажариш дафтарида юрилади. Дафтарда бутун ишларни бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг ўзаро муносабатларида аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом бўлиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар кўрсатилиши санаси, ишларнинг қабул қилиб олинishi ўтказилган синовлар, материаллар ўз вақтида етказиб берилмаслиги билан боғлиқ тўхтаб қолишлар, қурилиш техникасининг ишдан чиқиши тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек қурилишни тугаллашни муддатига таъсир қилиши мумкин бўлган барча маълумотлар) акс эттирилади.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларидан қониқмас, у ҳолда ишларни бажариш дафтарида уз фикрини баён қилади.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда курсатилган камчиликларни уч кун муддатда бартараф этиш чора тadbирларини қуриш мажбуриятини уз зиммасига олади.

Пудратчи объектга ўрнатиладиган жиҳозларни, объектни фойдаланишга топшириш муддатидан қаида бир ой олдин объектга олиб келиши лозим.

Пудратчи объектга жиҳозларни Буюртмачининг розилик хати билан расмийлаштирилган ҳолда олиб келиши шарт.

Пудратчи объект жиҳозларини шартномада белгиланган муддатда олиб келиб ўрнатмаса, Буюртмачи Пудратчини огоҳлантириб, шартноманинг ушбу шартини бажаришни талаб қилиш ва муддат бериш ҳуқуқига эга. Бу муддат ун кундан кам бўлмаслиги лозим.

8.15. Пудратчи Буюртмачининг ишларни бажариш дафтарига киритилган ёзма рухсатномасидан сўнгкейинги ишларни бажаришга киришади.

8.16. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдигисиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳақда хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича Пудратчи, Буюртмачининг кўрсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исталган қисмини ўз ҳисобидан очишга, сўнгра эса уни тиклашган мажбурдир.

Пудратчи Буюртмачининг манфаатларига жиддий таъсир қилмайдиган иш ҳужжатларидан майда четга чиқишларни Буюртмачининг розилигисиз амалга оширса, у агар буларнинг қурилиш сифатига таъсир этмаганлигини исоблатласа жавобгар ҳисобланмайди.

8.17. Агар Буюртмачи, Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа, у ҳолда Пудратчи ўз кучлари билан ва қурилиш кийматини ва муддатини кўпайтирмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир.

Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган зарарларни Буюртмачига тўлайди.

8.18. Пудратчи қурилиш майдонини ва унга туташ кўча полосасини, шу жумладан йўл участкалари ва йўлакларини супуруб-сидиради ва озода сақлайди, қурилиш даврида майдонда қурилиш ахлатини Буюртмачи томонидан курсатилган жойида чиқариб ташлайди.

8.19. Агар техник ҳужжатларга узгартириш киритиш туфайли бажарилиши керак буладиган қушимча ишлар киймати жихатидан лойиха-сметада курсатилган қурилиш умумий кийматининг ун фойизидан ошиб кетмаса ва қурилиш пудрати шартномасида назарда тутилган ишларнинг хусусиятини узгартирмаса Буюртмачи техник ҳужжатларга узгартириш киритишга ҳақли.

IX. Ишларини қўриқлаш.

9.1. Пудратчи, иш бошлаганидан сўнг, қурилиш тугалланиб, объект Буюртмачи томонидан қабул қилиб олгунга қадар, четлари тўсилган қурилиш майдони ҳудудидаги материаллар, асбоб-ускуналар қурилиш техникаси ва бошқа мол-мулк зарур даражада қўриқланишини таъминлайди.

9.2. Фойдаланишга қабул қилинган бино ва иншоотлар, уларга тегишли жихозлар, мол-мулклар фойдаланувчи ташкилот балансига ўтказилгунга қадар буюртмачининг зиммасида бўлади.

X. Енгиб бўлмайдиган куч (Форс-мажор) ҳолатлари.

10.1. Шартнома бўйича мажбуриятларини бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч натижасида келиб чиқса бу ҳолатларда томонлар мажбуриятларини қисман ёки тулик бажармаслиги учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Тарафлар келишуви билан, форс-мажор ҳолати даврига мутаносиб равишда шартномага ўзгартишлар киритилади.

10.2. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойда куп вақтда чузилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар қурилишини муҳокама қиладилар.

10.3. Агар томонлар икки ой ичида келиши олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

XI. Қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш.

11.1. Қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш, шартномада белгиланган тартибга мувофиқ барча мажбуриятларини томонлар бажарганларидан кейин, қурилиши тугаллаган объектларни фойдаланишга қабул қилиб олишнинг белгиланган қоидаларга биноан амалга оширилади.

11.2. Объектни фойдаланишга тайёрлиги туғрисида Пудратчининг ёзма билдиришномасини Буюртмачи олган кундан бошлаб 10 кун мобайнида унікабул қилишни амалга оширади.

11.3. Пудратчи, қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш бошланишидан беш кун олдин, мазкур шартноманинг V бўлимига мувофиқ Буюртмачига, белгиланган таркибдаги икки нусха ижро ҳужжатларини, фойдаланувчи ташкилотларнинг қуриб битказилган (реконструкция қилинган) бинолар ва муҳандислик тармоқларининг тайёрлиги туғрисидаги хулосаларини, муҳандислик тармоқларининг синов далолатномаларини беради. Пудратчи Буюртмачига ушбу ҳужжатлар туплами амалда бажарилган ишларга тулик мос келишини ёзма равишда тасдиқлайди.

11.4. Иншоотни фойдаланишга топшириш ва қабул қилиш далолатномасини расмийлаштириш Пудратчи томонидан амалга оширилади. Далолатномани ўз вақтида расмийлаштирмаганлик учун Пудратчи жавобгар ҳисобланади.

11.5. Давлат қабул комиссияси томонидан объектни топшириш ва қабул қилиш далолатномаси тулик расмийлаштирилиб, тасдиқланганидан сўнг объект қабул қилиб олинган ҳисобланади ва Буюртмачининг мулкига айланади.

XII. Кафолатлар.

12.1. Пудратчи қуйидагиларни кафолатлайди:

- барча ишларни тулик ҳажмда, шартнома талаблари асосида ва белгиланган муддатларда бажаришни;
- барча ишларни, лойиха ҳужжатлари ҳамда қурилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларга мувофиқ сифатли бажаришни;
- мазкур шартномага асосан бажариладиган қурилиш-таъмирлаш ишлари ҳажми, етказиб келинадиган, қўлланиладиган қурилиш материаллари, бутловчи қисмлар, жихозлар кийматидан келиб чиққан ҳолда тегишли солиқ органларига, Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодекси талаблари доирасида, белгиланган тартибда ҳисобот бериб бориш;
- қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиха ҳужжатларида курсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларига мувофиқлигини, қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар,

конструкцияларнинг "Ўзбекистон Республикаси ҳудудда қурилиш-монтаж ишларини амалга оширишда қулланиладиган материал-техник ресурсларнинг жорий нархлари Каталоги"га киритилган ва қулланишга мослик сертификатига эга бўлганлигини таъминлаш;

- объект қабул қилинганидан сўнг, ундан фойдаланишдаги қафолат муддати даврида, аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф қилишни;

- объектда ўрнатилган муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қондаларига мувофиқлигини.

12.2. Объектда барча бажарилган ишлар, ундаги муҳандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материалларнинг фойдаланиш ва ишларнинг қафолат муддати, объект қабул қилиб олинганидан бошлаб камида ўн икки ой этиб белгиланади.

12.3. Агар, объектдан фойдаланишнинг қафолатли даврида, камчиликлар аниқланиб, у бартараф этилгунга қадар фойдаланишни имконини бермайдиган нуқсонлари аниқланса, у ҳолда қафолат муддати нуқсонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуқсонлар ва камчиликлар Пудратчи томонидан унинг ўз ҳисобидан бартараф этилади. Аниқланган камчиликлар Буюртмачи ва Пудратчини ваколатли шахслари томонидан расмийлаштирилади. Тарафнинг масала юзасидан таклиф этилганлигини тасдиқловчи ҳужжатнинг бўлиши ва унинг келмаслиги, бир тарафни камчиликлар бўйича ҳужжат расмийлаштириб, бошқа тарафдан ҳужжатда расмийлаштирган ишларни талаб қилиш ҳуқуқини беради.

Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Буюртмачи томонидан белгилаб берилади.

Агар, Пудратчи бажарилган ишларидаги нуқсонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини талаб этилган муддат ичида бартараф этмаса, у ҳолда Буюртмачи мазкур шартноманинг VII бўлимида назарда тутилган қафолат суммасини Пудратчидан ушлаб қолиш ва камчиликларни бошқа пудратчи ёллаб бартараф этиш ҳуқуқига эга.

12.4. Пудратчи нуқсонлар ва чала ишларни расмийлаштирилишига қатнашишдан ёки тузилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош тортса, аниқланган камчиликларни текшириб чиқиш «Давлатархитектура қурилиш назорат» органлари томонидан амалга оширилади.

XIII. Шартномани бекор қилиш

13.1. Буюртмачи:

- шартнома кучга киргандан кейин қурилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;

- Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмай, ишларни тугатишнинг шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга чўзилганда;

- Пудратчи томонидан қурилиш ишлари шартнома шартлари, қурилиш меъёрлари ва қондаларига жавоб бермай, ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бажарилганида;

- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича ҳам шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга. Буюртмачи шартнома шартлари Пудратчи томонидан ўз вақтида ва белгиланган тартибда бажарилмаган тақдирда, Пудратчига талабнома билан мурожаат этади. Пудратчи талабномани олган кундан бошлаб 10 кун ичида Буюртмачига жавоб хати ёзиши шарт. Пудратчи томонидан жавоб хати олинмаса ёки ишлар талабномада белгиланган муддатда бажарилмаса, Буюртмачи шартномани бир томонлама бекор қилиш ва ишни бошқа Пудратчи орқали давом эттириш ҳуқуқига эга.

Шартнома бир томонлама бекор қилинганида, Пудратчи 3 кун муддат ичида барча бажарган ишлари ва қолдиқ ишлари бўйича Буюртмачи билан биргаликда Далолатнома расмийлаштириши ҳамда тегишли ҳужжат ва объектни топширишни бошлаши зарур. Пудратчини қайд этилган ҳужжатни расмийлаштирилиши бўйича таклиф этилганлигини тасдиқловчи ҳужжатнинг бўлиши ва Пудратчини келмаслиги, Буюртмачига қолдиқ ишлар бўйича ҳужжат расмийлаштириб, уни Пудратчидан талаб қилиш ҳуқуқини беради.

13.2. Пудратчи:

- ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;

- Буюртмачи, молиялаштиришни шартнома шартлари бўйича бажармаганда;

- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

13.3. Шартнома бекор қилинган тақдирда Пудратчи, Буюртмачини таклиф этиб, тугалланмаган қурилиш ишларини 3 кун муддатда Буюртмачига топширишни бошлаши зарур.

13.4. Шартнома бекор қилиниши билан айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

13.5. Пудратчининг розилигини олган ҳолда Буюртмачи айрим ишлари бажариш учун бошқа шахслар билан шартнома тузишга ҳақли.

XIV. Томонларнинг мулкий жавобгарлиги

14.1. Томонлардан бири шартнома мажбуриятини бажармаса ёки зарур даражада бажарилмаган тақдирда айбдор томон:

- иккинчи томонга етказилган зарарларни тўлайди;

- Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига, Ўзбекистон Республикасининг «Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тугрисида»ги қонунда ва бошқа қонун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

14.2. Шартномага тегишли иловаларда курсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, ўз вақтида молиялаштирмаганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,2 % микдорига пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси кечиктирилган тўловнинг 50 - фоизидан ошмаслиги лозим.

14.3. Шартномага мувофиқ бажарилган ишлар ҳажмини тасдиқлашдан асоссиз равишда бош тортилганлиги учун Буюртмачи Пудратчига ўзи тасдиқлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг 5% фоизи микдорига жарима тўлайди.

14.4. Пудратчи объектни уз вақтида ишга тушириш бўйича уз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати утказиб юборилган хар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,2% фоизи миқдорда пеня тулайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар қийматининг 50% фоиздан ошмаслиги лозим.

14.5. Пудратчи шартнома бўйича ишларни тулик бажариб, аммо бажарилган ишларни Буюртмачига топшириш мажбуриятларини уз вақтида бажармаса, иншоотни қабул қилиш-топшириш далолатномасини уз вақтида расмийлаштирмаса, утказиб юборилган хар бир кун учун, объект шартномавий жорий қийматининг 0,01% миқдорда пеня тулайди, аммо пенянинг умумий суммаси объектнинг шартномавий жорий қийматининг 15%дан ошмаслиги лозим.

Буюртмачи томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар уз вақтида бартараф этилмагани учун Пудратчи Буюртмачига муддати утказиб юборилган хар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 50%дан ошмаслиги миқдорда жарима тулайди.

Пеня тулаш, Пудратчининг ишларини бажаришнинг ёки хизматлар курсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

14.6. Буюртмачи, ушбу шартномада белгиланган пеня ва жарималарни, агарда уларни ундириш ҳолати юзага келса, бажарилган ишлар ҳисобидан Пудратчига амалга оширилиши лозим бўлган 5 фоизли қафолат тўлови ҳисобидан ушлаб қолади.

14.7. Бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, қурилиш меъёрлари ва қоидаларига, иш ҳужжатларига мувофиқ бўлмаса у ҳолда Буюртмачи «Давлатархитектурақурилиш назорат» инспекциясининг ҳулосаси асосида объектни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тулашдан бош тортиш, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг 50% фоизи миқдорда жарима ундириш ҳуқуқига эга.

14.8. Пудратчи ва Буюртмачи ўртасида низо лойиха-смета ҳужжатлари бўйича келиб чиққанда низо хал этиш учун иншоотни лойихаси билан шугуллунган ташкилот ишга жалб қилинади. Лойиха-смета ҳужжатларидаги аниқланган камчилик ва нуқсонлар учун лойиха ташкилоти жавоб беради.

14.9. Муддат утказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даража бажарилмаганлиги учун пеня ёки жарима тулаш томонларини ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

XV. Низоларни хал этиш тиртиби.

15.1. Шартнома бўйича юзага келган низоли масалаларни тарафлармузокара йўли билан хал этадилар. Агар низоли масала ўзаро хал этилмаганда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Андижон туманлараро иқтисодий суди томонидан хал этилади.

15.2. Пудратчи томонидан бажарилган ишлар бўйича Буюртмачига республика ёки маҳаллий бюджет томонидан маблағ ажратилмаган ёки маблағ қечиккан тақдирда Буюртмачи жавобгар ҳисобланмайди.

XVI. Алоҳида шартлар

16.1. Шартнома имзолангандан кейин, у тузилгунга қадар шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари уз қучини йўқотади.

16.2. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган хар қандай аҳдлашувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгаришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак. Ҳисобот йили якуни билан бажарилмаган (яқунланмаган) юридик ва молиявий мажбуриятлар ижроси бўйича иккинчи йил учун томонлар ўртасида мазкур шартномага қўшимча келишув тузилиши, белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилиб, ижроси таъминланиши мумкин.

16.3. Пудратчи шартнома бўйича ишлар яқунланганидан кейин қурилиш майдонида узига тегишли мол-мулкни қолдирса, у ҳолда Буюртмачи Пудратчи қурилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарган ишлари учун ҳақ тулашни кечиктиришга ҳақлидир.

16.4. Шартномада назарда тутилмаган томонларнинг ҳуқуқи ва жавобгарлиги ҳолатлари юзасидан амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

16.5. Томонлар юридик манзили, банк реквизитлари узгарган тақдирда бир-бирларини 3 кун муддат ичида хабардор қилишлари шарт бўлади. Аниқланган ҳолат бўйича томонлар ўртасида қўшимча келишув расмийлаштирилади. Тарафларнинг шартномадаги юридик манзилига ҳужжатлар буюртма хат орқали юборилган ҳолда, ҳужжатлар етказилган ва юборилган тараф томонидан олинган ҳисобланади.

16.6. Шартнома бир хил юридик қучга эга бўлган 3 нусхада тузилади ва тарафларда бир нусхадан сакланади ҳамда қонунчиликда белгиланган тегишли органларга ҳам тақдим этилади.

16.7. Шартнома 2019 йил 31 декабр куни охирига қадар амалда бўлади.

XVII. Томонларнинг банк реквизитлари ва юридик манзилари

«БУЮРТМАЧИ»	«ПУДРАТЧИ»
«Ягона буюртмачи хизмати» ИК.	«Рамзи иқбол қурилиш» ЖК
Андижон ш. Навоий шох куча 45 уй	Шарихон т, Пахтаобод ҚФЙ, Хужабод куча
Тел: 223-08-28	Тел: 94-105-57-58
ИНН 200238014, ОКЭД 70100	Ҳамкорбанк Асака фил.
И/х/в: 100021860034017098801075067	х/р: 20208000204970546001
УзР Молия Вазирлиги Газначилиги	МФО: 00070 ИНН: 302270114
Ягона Газна х/в 23402000300100001010	
М Б ХККМ Тошкент ш.	
МФО 00014, СТИР 201122919	
Раҳбар:	Раҳбар:
М.Кодиров	А.Умурзаков